

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****225 Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертизаси ўтказиладиган товарлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2787

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 215-моддасига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тартибда божхона экспертизаси ўтказиладиган товарлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**3. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,
2016 йил 18 апрель,
01-02/16-27-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил
18 апрелдаги 01-02/16-27-сон қарорига
ИЛОВА

**Божхона расмийлаштирувини амалга оширишда
мажбурий тартибда божхона экспертизаси
ўтказиладиган товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	ТИФ ТН код	Товар номи
1.	0402	Қуюлтирилган ёки шакар ёхуд бошқа ширин таъм берувчи моддалар қўшилган сут ва қаймоқ (кукун, донатор ёки бошқа қаттиқ ҳолатдагиларидан ташқари).
2.	0405	Сариёғ ва сутдан олинган бошқа мойлар ва ёғлар.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Т/р	ТИФ ТН код	Товар номи
3.	0901	Кофе. Кофе пўчоги ва кофе донлари қобиқлари. Таркибида ихтиёрий пропорцияда кофе мавжуд бўлган кофе ўрнини босувчилар.
4.	0902	Чой.
5.	1507	Соя мойи ва унинг фракциялари (тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган).
6.	1508	Арахис мойи ва унинг фракциялари (тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган).
7.	1509	Зайтун мойи ва унинг фракциялари (тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган).
8.	1510 00	Фақат маслин (зайтун)дан олинадиган бошқа мойлар ва уларнинг фракциялари (тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган), шунингдек ушбу мойлар ва фракцияларнинг 1509 товар позициясидаги мойлар ва фракциялар билан аралашмалари.
9.	1512	Кунгабоқар, махсар ёки пахта мойи ва уларнинг фракциялари (тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган).
10.	1515	Бошқа ноучувчан ўсимлик ёғлари ва мойлари ҳамда уларнинг фракциялари (тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган).
11.	1516	Тўлиқ ёки қисман гидрогенизацияланган, интерэтерификацияланган, реэтерификацияланган ёки элаидинизацияланган, тозаланган ёки тозаланмаган, лекин кейинги қайта ишловдан ўтказилмаган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ёғлари ва мойлари.
12.	1517	Маргарин. Ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг ёғлари ёки мойларидан ёхуд турли ёғлар ёки мойларнинг фракцияларидан (1516 товар позициясининг истеъмолга яроқли ёғлари ва мойлари ҳамда уларнинг фракцияларидан ташқари) тайёрланган, овқатга ишлатиш учун яроқли аралашмалар ёки тайёр маҳсулотлар.
13.	1601 00	Гўшт, калла-поча ёки қондан тайёрланган колбасалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар. Улар асосида тайёрланган тайёр маҳсулотлар.
14.	1602	Гўшт, калла-поча ёки қондан тайёрланган бошқа тайёр ёки консерваланган маҳсулотлар.
15.	1604	Тайёр ёки консерваланган балиқ. Осётрсимонларнинг икраси ва унинг ўрнини босувчилар.
16.	1704	Шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари.
17.	1805 00 000 0	Таркибида шакар ёки бошқа ширин маза берувчи моддалар бўлмаган какао-порошок.
18.	1806	Шоколад ва таркибида какао бўлган бошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари.
19.	2104	Шўрва ва тайёр бульонлар ва уларни тайёрлаш учун ярим маҳсулотлар. Гомогенизирланган таркибли тайёр озиқ-овқатлар.
20.	2106	Бошқа ўринларда киритилмаган ёки номланмаган озиқ-овқатлар.

Т/р	ТИФ ТН код	Товар номи
21.	2201, 2202	Алкохолсиз ичимликлар.
22.	2203 00	Солод асосли пиво
23.	2204, 2205 10, 2206 00, 2207, 2208	Алкохолли ичимликлар. Этил спирти ва бошқа спиртли ичимликлар.
24.	2710 12 110 0 — 2710 12 510 0, 2710 12 900 0, 2710 19 210 0 — 2710 19 310 0, 2710 19 420 0 — 2710 19 510 0, 2710 19 620 0 — 2710 19 680 0, 2710 19 710 0 — 2710 19 880 0, 2710 19 920 0- 2710 19 980 0	Нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари.
25.	3301, 3303 00 — 3307	Эфир мойлари ва резиноидлар. Парфюмерия, косметика маҳсулотлари.
26.	3401 20 100 0	Кукун, донатор, бўлакланган, вафлисимон совун.
27.	3506 91	Елимлар ва тайёр адгезивлар.
28.	3809	Текстиль, қоғоз ишлаб чиқариш, тери саноати ва ўхшаш соҳаларда қўлланувчи ишлов бериш воситалари.
29.	3814 00 900 0	Мураккаб органик эритувчилар ва суюлтирувчилар. Бўёқ ва лакларни кетказиш учун тайёр аралашмалар.
30.	3819 00 000 0	Гидравлик тормоз суюқлиги ва гидравлик узатишга мўлжалланган бошқа суюқликлар.
31.	3917	Пластмассадан тайёрланган трубалар, трубкалар, шлангалар ва уларнинг фитинглари.
32.	3920	Армирланмаган, ғовак бўлмаган ва қатламсиз плита, лист, плёнка ва бошқалар.
33.	3921	Армирланган, ғовак бўлган ва қатламга эга плита, лист, плёнка ва бошқалар.
34.	3923	Товарларни ташиш ва упаковкалаш учун пластмасса буюмлар. Пластмассадан тайёрланган тиқинлар, қопқоқлар ва тиқинлаш учун бошқа буюмлар.
35.	3924	Пластмассадан тайёрланган ошхона идишлари ва бошқа уй-рўзгор буюмлари.
36.	5007 20	Табийий ипақдан ва ипакчилик чиқиндиларидан тайёрланган газламалар.
37.	5111 19 100 0, 5111 19 900 0, 5111 30 100 0, 5111 30 900 0, 5112 11 000 0 — 5112 90 990 0	Ҳайвонларнинг жунидан тайёрланган газламалар.
38.	5208 32 990 0, 5208 33 000 0,	Пахтадан тайёрланган газламалар.

Т/р	ТИФ ТН код	Товар номи
	5208 52 000 0, 5208 59 900 0, 5209 49 000 0	
39.	5407 10 001 0, 5407 72 000 0, 5407 73 000 0, 5407 74 000 0, 5408 22 900 0, 5408 23 000 0, 5408 24 000 0, 5512 19 900 0, 5513 11 200 0, 5513 39 000 0, 5514 11 000 0, 5515 11 900 0, 5515 21 900 0, 5515 22 110 0 — 5515 99 800 0	Кимёвий иплардан тайёрланган газламалар.
40.	5602	Фетр ва войлок.
41.	5604	Резина иплар ва текстиль қопламали корд. Шимдирилган, қопламали, ичида резина ёки полимер қатлами мавжуд текстиль пряжа, лентасимон иплар ва 5404 ёки 5405 товар позициясидаги ипларга ўхшаш иплар.
42.	5801	Тукли ва бахмал газламалар.
43.	5802, 5803 00	Пахмоқ сочиқ газламаси ва ўхшаш пахмоқ газламалар.
44.	5804	Тюль ва бошқа тўрсимон матолар. Кружева.
45.	5806 10 000 0, 5806 20 000 0, 5806 31 000 0, 5806 32 100 0	Энсиз газламалар.
46.	5807	Текстиль материалдан тайёрланган этикеткалар, эмблемалар ва ўхшаш буюмлар.
47.	5808	Тесьма. Пардозлаш учун материаллар. Кисточкалар, помпонлар ва ўхшаш буюмлар.
48.	5906	Резина аралаштирилган текстиль материаллар.
49.	5907	Бошқа усул билан қопланган ёки шимдирилган текстиль матолар.
50.	6001, 6002, 6003, 6004, 6005, 6006	Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолар.
51.	6912 00	Керамикадан тайёрланган ошхона идишлари ва бошқа уй-рўзгор буюмлари.

* Ўзбекистон Республикасида аккредитацияланган идораларнинг товарни ТИФ ТН коди бўйича классификациялаш учун зарур қўрсаткичлар юзасидан лаборатория синов баённомаси мавжуд бўлганда божхона экспертизасидан ўтказилиши мажбурий эмас.